

## Ҳаж сафарига кетаётганлар билан мулоқот



09:00 / 03.08.2019 2113

Жорий йилнинг 2 август куни Ўзбекистон мусулмонлари идорасида ҳаж сафарига кетаётган зиёратчилар билан мулоқот ўтказилди.

Учрашувда Шайх Абдулазиз Мансур Саудия Арабистони Подшоҳининг меҳмони сифатида танланган зиёратчиларни қутлаб, ушбу сафарга энг муносиб уламолар, илм-фан соҳасининг етук намояндалари танлаб олинганини алоҳида таъкидлади. Муборак сафарга подшоҳнинг меҳмони сифатида бориш шараф экани, бутун умрини Ислом дини ривожига, мўмин-мусулмонлар хизмати ва илму ирфон тарқатишга сарфлаган кишиларнинг илтифотга муносиб кўрилганини Шайх ҳазратлари алоҳида қайд этди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси маслаҳатчиси Абдуҳаким қори Матқулов меҳмон сифатида кетаётган уламоларни сафар мобайнида уюштирилаётган анжуманлар, маърифий тадбирлар ва мулоқотларда

фаол қатнашишни билдирди. Шунингдек, суҳбат давомида юртимизда сўнгги йилларда Ислом дини ривожига йўлида қилинаётган хайрли ишлар тўғрисида маълумотлар тақдим этишни қўшимча қилди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Котибияти мудирини Муҳаммад Аюбхон домла Ҳомидов мезбонлар томонидан тақдим этиладиган сафар дастурига амал қилиш, сафар давомида юзага келадиган масалаларни маслаҳатлашган ҳолда ҳал этиш ва ташкилий ишлар билан боғлиқ масалаларни баён этди.

Шунингдек, бу йилги меҳмонлар сафида Муҳаммад Шариф домла Жуманов, Исмоилжон домла Ҳамроқулов, Абдумалик домла Мамадалиев ва Абдували домла Исажонов каби устозларнинг борлиги барчамизни мамнун этмоқда.

Аллоҳ таоло меҳмонларнинг ҳажларини мабрур айласин!

Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



***Islom.uz*** портали таҳририяти